



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл овод!

2007 йил
28 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 97
(12.004)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Каримов 27 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Н.Янгибоев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидлашча, 3 йил мобайнида аҳолининг реал даромадлари 2-2,5 баробар ошди. Шу билан бирга, маданий-маърифий ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар изчил давом эттирилади.


Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Буларнинг барчаси, ислохотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани ту-

файли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислам Каримов ўз нутқида Қашқадарё замида вояга етган Амир Темур ва Абу Насофий каби буюк аждодларимиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади. Ўзбекистонда қазиб олинадиган газнинг 88, нефтнинг 93 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Шўртан, Муборак ва Кўкдўмалоқда ишга тушган йirik ишлаб чиқариш корхоналари вилоятнинг мамлакат иқтисодиёти ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширишга хизмат қилди.

Учрашувда Қашқадарё вилояти Пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси Шодиёр Ҳужаназаров, меҳнат фахрийси Ҳўжам Норқобилов, Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Уктам Умаров, Нишон туманидаги "Лёва" фермер ҳўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳўнара коллежи ўқитувчиси Зебунисо Шодиева мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислам Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислам Каримов номзодни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим қафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

А. БОБОВ,
А. МУХАММАДИЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.



ҚЎШМА МАЖЛИС

Чирчиқда вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари иштирок этишди.

Мажлисга халқ депутатлари Олмалик шаҳар кенгашнинг депутати Турғунбой Топилов раислик қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тўғрисида»ги масала қўриб чиқилди. Вилоят оқсоқоллари кенгашнинг раиси Нўрмон Насимов сўзга чиқиб, 21-округдан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Зиёвуддин Қўчқорович Ниёзовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайлашни тавсия қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 50, 53, 54, 55, 56-моддаларига асосан Зиёвуддин Қўчқорович Ниёзов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланди.

СУРАТЛАРДА:
қўшма мажлис лаҳзалари.
Даврон АХМАД олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинди.

КРЕДИТЛАР БАРАКА КЕЛТИРМОҚДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Пскент тумани филиали шу йилнинг биринчи ярмида ўз маблағи ҳисобидан 600 миллион 922 минг сўм ҳамда бандлик фонди маблағи ҳисобидан 6 миллион 930 минг сўм кредит маблағлари ажратди.

Республика Президентининг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида молия муассасасида ёш оилаларга истеъмоладан ипотека кредитлари беришнинг тартиблари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ёш оилалар меъёри, ошона хўжаликлари, телевидео апаратлар, маиший техника, спорт анжомлари, дори-дармон ва даволаниш харажатлари учун кредит олиш имконига эга бўлди. Булардан ташқари тўй маросимларини ўтказиш, республикамиз ҳудудларида жойлашган тарихий обидаларни зиёрат қилиш, дам олиш масканларида хордиқ чиқариш ва даволаниш каби мақсадлар учун истеъмоладан кредитларини олишлари, энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача бўлган нархдаги ўй-жойларни ҳам сотиб олишлари мумкин.

Феруза ТўРАЕВА.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотиди «Қишки мавсумга тайёргарлик ишларида жамоатчиликнинг роли» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Бундан мақсад – тегишли ташкилотлар ҳамда жамоатчиликнинг қишга тайёргарликларини мониторинг қилиш эди.

ҚИШ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, ёқилғи энергетика комплекси, қимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти, республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Тошхашаргаз» унитар корхонаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Чиноз ва Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари, республика «Маҳалла» хайрия жағфармаси, «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» республика жамоатчилиги маркази ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида қишга тайёргарлик қўриш жараёнида учраган муаммолар ва уларнинг ечимлари атрофлича муҳокама қилинди. Учрашув иштирокчилари қишга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, мавсумда тарқалиш хавфи юқори бўлган ша-моллаш ва бошқа ўткир инфекцион касалликларнинг, жароҳатланиш ҳолларининг олдини олишда, шунингдек, газ, электр таъминотининг узлуқсизлигини таъминлашда жамоат ташкилотларининг, соғлиқни сақлаш ва маҳаллий ҳўкумат идоралари ҳамда бошқа масъул ташкилотларнинг фаолиятини муҳокама қилдилар. Ушбу жараёнга масъул бўлган ташкилотларнинг маълумотлари тингланиб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида «Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мазкур қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, манфаъдор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлангани алоҳида таъкидланди. Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва ислохотларимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий

маданияти даражасига ҳам боғлиқдир. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори бўлиб, турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир қўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига қўмаклашувчи муҳим омиллардан-дир.

Аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, тегишли давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик ижобий

натижалар бераётгани таъкидланди. Мактабгача тарбия муассасалари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва тарбияни самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида тегишли ўқув дастурлари ва услубий тавсияномалар изчил жорий этилмоқда. Педагоглар ва тарбиячиларнинг малакаси оширилди. Буларнинг барчаси ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни, қонунга ҳўрмат ва ҳуқуқий эътиқодни шакллантиришга хизмат қилаётди. Анжуманда Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги ўрни, ёш авлоди ҳаётга тайёрлашда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг аҳамияти, Конституцияни ўрганишда ҳуқуқий таълим-тарбия усуллари, воситалари ва уларни янада такомиллаштириш йўллари, ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигига доир маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

"СЕВИНЧ" – КУБОК СОҲИБИ


Тошкент вилоятидаги «Қириқ» спорт мажмуида футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида олтинчи мартаба ташкил этилган Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди.

Бош соврин учун ўтказилган учрашувда мамлакатимизнинг энг кучли икки жамоаси – «Севинч» (Қарши) ва «Андижанка» (Андижон) ўзаро кўч синашди.

Финалга чиқиб ўчинчи қўралиш футболчи қизлар «Строитель» (Зарафшон)ни 3:0, «Жиззах» (Жиззах)ни 10:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Андижанка» вакиллари эса «Жиззах»дан 7:0, «Строитель»дан 4:1 ҳисобида устун келди.


ЎЗА.

Тақдирот ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА ЯШАЙДИ



Таъкидлаш жоизки, халқимиз ҳаётида юз бераётган барча ижобий ўзгариш ва янгиланишларда юртимиз зиёлиларининг хизмати беқиёсдир. Жумладан, таниқли адабиётшунос олим, марҳум Озод Шарафидинов ҳам мустақиллиқнинг дастлабки кунларидан бошлаб, халқимизнинг маънавий-маърифий та-

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни изчил давом этмоқда. Бу сазй-ҳаракатларнинг амалий самаралари ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларнинг тобора ривожланиб бораётганлигидан яққол намоён бўлмоқда.



фактурини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келди. Унинг бу соҳадаги самарали хизматлари «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан тақдирланди, Давлат мукофоти соҳиби бўлди.

Самад Йўлдош.

лар кутубхонаси ҳамда Тошкент вилояти «Турон» ахборот-ресурс маркази адабиётшуносликка оид нодир тадқиқотлар, ўткир публицистик мақолалар, бадиий таржималар муаллифи бўлган етуқ олимнинг ижодий фаолиятига бағишланган «Озод Шарафидинов замондошлари хотирасида» китобининг тақдими маросимини ўтказди.

Кечада иштирок этган халқ ёзувчилари ва шоирлар, таниқли олимлар кўп адабиётшуносдан келажак авлодга қолган бой мерос ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Эмлаш акцияси:

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСИ

Республикада 12 ноябрдан 25 ноябрга қадар қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши оммавий эмлаш кампанияси ўтказилди. Бу оммавий акция вилоятимизда ҳам муваффақиятли якунланди. Шу муносабат билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Феруза Раҳматиллаева муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Қизамиқ ва қизилча оғир асоратлар қолдирадиган хавфли касалликдир. Шу сабабли, улардан фақат ўз вақтида эмлатиш йўли билангина ҳимояланиш мумкин.

Бугунги кунда дунё мамлакатларининг маълум бир қисми бу касаллик асоратларидан азият чеқмоқда. Шу сабабли, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти қўллаб-қувватлашда «Қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш» акциясини ўтказаятир. Мамлакатимизда ҳам бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси томонидан мазкур касалликларни 2019 йилгача тугатиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида оммавий эмлаш кампанияси бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган 651 минг 23 нафар аҳоли-

ланди. Вакциналарни ўз вақтида жойларга етказиб бериш учун 166 та тиббий машиналар ахратилди. Эмлашдан сўнгги асоратларнинг олдини олиш мақсадида биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи 53 та бригада ташкил этилди.

Эмлаш акцияси муваффақиятли ўтиши учун тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида малакали шифокорларнинг чиқишлари ташкил этилди, жойларда суҳбат-учрашувлар ўтказилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида «Қизамиқ ва қизилча тўғрисида нималарни биласиз?» мавзусида иншолар қўриги ташкил қилинди. ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан барча эмлаш пунктлари мазкур касалликларга доир турли қўргазмалар воситалари билан тўла таъминланди.

Ўз вақтида қилинган тарғибот-ташвиқот ва амалий ишлар натижасида вилоятда эмлаш кампанияси муваффақиятли якунланди.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири
Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

2008 йил учун

обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетасининг андекса – 205.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ



ЯНГИЙЎЛ САЙЛОВ ТАРАДДУДИДА

Бир-икки йил илгари Янгийўлда бўлган киши бугун хибонлар ва кўчаларни айланиб, бу шаҳарни таниёлмайди. Унинг қиёфаси шунчалик тез ўзгариб бораёпти.

Янги хизмат кўрсатиш корхоналари қурилиб, кенг майдон ва хибонлар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арасида одамларда турмушдаги янгиланишлар, маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, иқтисодий ривожланишни сарҳисоб қилиш, келажакка назар ташлашга қизиқиш кучайиб бораётди.

Дарҳақиқат, шаҳримизда ободонлаштириш ишлари, янги уй-жойлар қурилиши кенг тус олмақда, — деди шаҳар маданият саро-

йида жойлашган 198-участка сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Мирзаалимов. — Сайловчилар илоҳотларнинг самаралари, шаҳримиз қиёфасидаги қувончли ўзгаришларни алоҳида таъкидлашарди.

Бу сайлов участкасида 2290 сайловчи рўйхатга олинган. Улар учун учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилаётди. Сайловни ушшоқлик билан ўтказишга ҳамма нарса тайёрлаб қўйилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.



СУРАТЛАРДА:

сайлов комиссияси навбатдаги вази-ларни аниқлаб олмоқда; сайлов комиссияси аъзолари Севара Комилова билан Абдурахмон Каттабоев овоз бериш ҳоналарини жиҳозлашни якунлашяпти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Бу "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга тўла мос келади. Ушбу қонуннинг 31-моддасида сайлов куни истикомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истикомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови номуводалар хусусида қарорга қилиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ушбу қонун нормасининг ижросини таъминлаш доирасида 16 но-

ябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ҳаж тadbирларида зиёратчи сифатида иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз беришларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хусусан, мазкур қарорда зиёратчиларнинг муддатдан олдин овоз бериши участка сайлов комиссиялари томонидан уларнинг яшаш жойларида ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Бунда Ҳаж амалини адо этиш учун кетаётган барча фуқаролар қонунда белгиланган тартибда сайлов варақалари билан таъминланади.

Ў.А.

Истеъмолчи манфаати устувор

МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётганлигини ҳар бир жабҳада кўриш мумкин. Қонун йўли билан ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари оддий ҳолатга айланиб улгурди.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди Бўстонлиқ туман жиноят ишлари бўйича суди биносида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ ана шундай бир ишни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини чиқарди.


Маълум бўлишича, 2007 йил 6 февраль куни Бўстонлиқ тумани Газалякент фуқаролар йиғини, Ғ. Фулом кучаси 2-уй, 8-хонадонда ёнган чирчиқ. Уйдаги электр ва газ мослама ҳамда ускуналаридан рисоладагидек фойдаланиб келётган хонадон соҳиблари Шахзод ва Дарижа Махамматов бу кўнгилсиз ҳодисада ҳеч қандай айблари йўқлигини билган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари виллоят ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилишди.

Мутахассисларимиз суд билан ёнганга алоқадор ҳолатларни жойига бориб ўрганишди, — дейди виллоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчехра Аббосова. — Аниқланишича, туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган жадвалга асосан электр энергиясини тежаш мақсадида 2007 йил 1 январдан ҳудудларда кечкун соат 20 дан эрталаб 6 гача ва кундузи 8 дан 18 кадар электр қуввати ўчириб қўйилган бўлган.

Ёнган чирчиқ вақтда ҳам кундузи электр ўчирилган бўлган. Кечки пайт уй ва бошқа объектлар электр манбаига уланганда Махамматовлар хонадонидан ёнган чирчиқ. Ёнган ҳавфсизлиги мутахассисларнинг таҳлиллари ва текширув-экспертиза хулосалари ушбу ҳодиса электр қувватининг меъёридан ортиб кетиши натижасида келиб чиққанини тасдиқлади.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти виллоят бирлашмаси ушбу ҳолат билан боғлиқ барча ҳулосаларни баътафсил ўрганиб чиққан, кўнгилсиз ҳодисага электр таъминоти корхонаси айбдор деган тўхтамга келди ва «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти ва қўшимча жавобгар бўлган Бўстонлиқ тумани электр тармоқлари корхонасидан жабранувчиларга моддий ва маънавий зарарини ундириш мақсадида судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Томонларнинг келишилган ва ашёвий далиллари, солиштирма ҳулосалар шуни кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам ҳудудий электр таъминоти ҳудудларнинг назоратни ҳудудий юрбоғчилликлари натижасида ёнган содир бўлган.

Ишни кўриб чиққан фу-



қаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди ўзининг ҳал қилув қарорини эълон қилди. Унга қўра, жавобгар томон жабранувчига 4 миллион 380 минг сўм моддий ва 500 минг сўм маънавий зарарини тўлаши белгиланди ва ундирилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугун демократик эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли илоҳотлар, энг аввало, ҳалқимиз онгу шуурини ўзгартириб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, манфаатлари ўзгалар томонидан топталишига йўл қўймасликка ўргатмоқда. Бу эса юртимизда қонун устуворлиги қарор топиб бораётганидан далolatдир.

Равшан ЕЎБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

САЁҲАТ МАСКАНЛАРИ

Ангреннинг тоғли ҳудудида «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли саёҳат базалари яна иккитага кўпайди.

Ҳозирги кунда бу ерда «Янгиобод саёҳати» масъулияти чекланган жамияти сайёҳлар учун меҳмонхона биноси ҳамда бир қатор ёрдамчи иншоотлар қураёпти. Шунингдек, «Янгиобод жавоҳирлари» саёҳат базасида амалга оширилаётган

мақамал таъмирлаш ишлари ҳам ниятсизга етмоқда. Бундан ташқари, бўшаб қолган 3 қаватли тураржой биноси «Феруза» саёҳатчилар меҳмонхонаси учун мослаштирилмоқда.

Мунаввара РАҲАББОВА.

ҒАМҲЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ҳаётимиз Бош қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан виллоят халқ таълими бошқармаси жойларда «Истиқлол мафқурасида таълим-тарбия ва маънавият уйғунлиги» мавзусида маърифий учрашувлар ташкил этмоқда.

Бундай ҳудудий учрашувларнинг дастлабкиси Янгийўл ва Бўқа туманларида бўлиб ўтди.

Республика оммавий ахборот воситалари тахриратлари раҳбарлари иштирокидаги бу учрашувларда таълим-тарбия ва маънавият шакллантиришда вақтلى матбуот нашрларининг роли хусусида ҳам алоҳида сўз борди. Бугун Чирчиқ ҳамда Олмалиқ шаҳарларида шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Мурод ҲАСАНОВ.



БУГУН «ОРОМ»ДА ТҮЙ

Бекобод тумани марказидаги эски «Ором» чойхонасини тadbиркор Зухриддин Урмонов ўз маблаг ҳисобидан қайта таъмирлаб, кўркам ва бежирим маросимлар уйига айлантирди.

Қиш ва ёз мавсумлари учун мўлжалланган бу жойда зарур шарт-шароитлари яратилишига ҳаракат қилинди, — дейди Зухриддин Урмонов. — Бу ерда бекободликлар турли тadbир ва маросимларни ўтказиш билан бирга кундалик тамаддиҳона сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Янги қошнанинг очилиш маросимида туман ахли тўқин дастурхон атро-

фида мириқиб дилдан сўхбат қиришди.

Шу кунги тadbиркор тумандаги 4 та кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйларини ҳам ўтказиб берди. Тўйболаларга совғалар улашилди.

СУРАТДА:

хатна тўйидан лавҳа. Даврон АҲМАД олган сурат.

Хунармандчилик

Лашкерак Ангреннинг тоғли ҳудудида жойлашган қишлоқ бўлиб, бу ерда яшовчи хотин-қизларнинг кўпчилиги уй меҳнати, яъни хунармандлик билан шуғулланишади.

КАРОМАТНИНГ

БЕЖИРИМ САВАТЛАРИ

— Асли тикувчиман, — дейди Каромат Матқаримова. — Ўн беш йил шаҳардаги тикувчилик фабрикасида ишладим. Энди эса, она касб — хунармандлик билан шуғуллана бошладим. Ёввойи тол новдасидан нон ва гул учун саватлар, оромкурсилар тўқияман. Икки йилдан буён қасанча сифатида Оҳангарон ўрмон ҳужалиги ҳамда ақба буюртмачиларга маҳсулот тайёрлаб, оила бюджетига ҳар ойда



100-120 минг сўм фойда келтиряпман.

Мунира ИСАЕВА.

Долзарб мавзу

ТИНГЛОВЧИЛАР СЕРТИФИКАТ ОЛИШДИ

Виллоят «Оила» илмий-амалий маркази ота-оналар билан ишлашнинг қизиқарли усулини топди. Унга қўра Қиёра туманининг Байтўғрон қишлоғида ота-оналар халқ университети ташкил этилди.

Машғулотларни республика «Оила» марказининг етакчи мутахассислари, олимлар, шифокорлар олиб боришди. Уларнинг мустақкам, бахтли оила қуриш омиллари, ўзоқ йиллар биргаликда умргузаронлик қилиб, соғлом ва истеъдодли фарзандларни тарбиялаш, оила ҳуқуқи, бурч ва масъулият ҳақидаги маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Оила бюджетининг таркиби ва шаклланиши, турли ёшдаги одамларнинг биргаликда ахил-иноқ яшashi, қайнона-келин муносабатларида доир саволлар кўп бўлди. Тингловчилар ўсимлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бағишланган маърузаларни қизиқиб тинглашди. Руҳшунос, ҳуқуқшунос ва педагогларнинг чиқишлари, мас-



лаҳат ва тавсиялари, аиникса, фойдали бўлди.

Қишлоғимизда ташкил этилган ота-оналар халқ университети машғулотлари ниҳоятда фойдали бўлди, — дейди тингловчи Вазира Холмуродова. — Биз эр-хотин бирга қатнашдик. Республика «Оила» маркази катта илмий ҳодими Махбуба Мирҳамедованинг маърузаларини, аиникса, қизиқиб тингладик. Ҳаётимизда нафи тегадиган билимларга эга бўлдик.

Яқинда халқ университети битирувчиларининг биринчи гуруҳига ўқув курсини муваффақиятли тугатганилари ҳақидаги давлат сертификатлари топширилди.

Тингловчилар халқ университетини ташкил этган мутасаддиларга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Байтўғрон қишлоғи аҳолиси таълимнинг бу янги шаклини қизиқиш билан кутиб олди, — дейди виллоят «Оила» илмий-

амалий маркази директори Зулхумор Жўраева. — Бу йил Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида, келгуси йили туманларда ҳам шундай оммавий ўқув муассасаси очилиши режалаштирдик. Уйланманки, уларда билим олган кишилар ўз оилаларида маънавий-руҳий муҳитни барқарорлаштириб, молиявий аҳолини яхшилаш мақсадини эгаллайдилар. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатларини соғломлашув эса, фарзандлар камолотига ижобий таъсир кўрсатади. Тингловчилар соғлиқни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан малакали шуғуллана бошлайдилар.

Сертификатларни республика «Оила» марказининг директори, психология фанлари доктори, профессор Василя Каримова топширди.

Нодира ПЎЛАТОВА.

СУРАТДА:

сертификатларни топшириш пайти. Даврон АҲМАД олган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИДА КИТОБ

Пойтахтдаги тасвирий санъат галереясида танikli ёзувчи Борис Голдендернинг «Мои господа ташкентцы» номи янги китобининг тақдими ўтказилди.

Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, рус маданият маркази ҳамда «Росзарубежцентр» ташаббуси билан ўтказилган маросимда юртимиздаги элчихона ходимлари, Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари, танikli адабиётшунос олимлар, расомлар, санъатшунослар ҳамда муаллифнинг қалам-каш дўстлари иштирок этди.

«Мои господа ташкент-

цы» китоби рус тилида нашр этилган бўлиб, унда Урта Осиёдаги энг катта ва чиройли Тошкент шаҳри ҳақида ҳикоя қилинади. Азим пойтахтимизнинг ўн тўққизинчи асрдан то шу кунга қадар фаолияти тасвирланган.

Муаллиф асариди Тошкентдаги Хожя Ахрор масжиди, «Барахон» мадрасасининг йиғирманчи аср бошлари ва 1998 йилда қайта таъмирланган кўрини-

шини тасвирлайди. Шаҳарнинг эски ва замонавий кўчалари, аҳоли уйлари акс этган суратлар ва улар ҳақидаги илмий маълумотлар китобхоналарга шахримиз ҳақида кенг маълумот беради.

Тақдирот маросимида муаллифнинг ушбу китоби кенг жамоатчилик учун Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳақида муҳим маъна бўлиб хизмат қилиши айтилди. Асар яна қайтадан кўп нусхада нашр этилиши режалаштирилмоқда.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

«ОИТСНИ ТЎХТАТИНГ, ВАЪДАНИ БАЖАРИНГ!»

Тошкент туманидаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи талабалари иштирокида 1 декабрь — Умумжаҳон ОИТСга қарши кураш кунини олдиндан «ОИТСНИ ТЎХТАТИНГ, ВАЪДАНИ БАЖАРИНГ!» шiori остида учрашув ўтказилди.

Бу муҳим тadbир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси виллоят бўлими ҳамда виллоят ОИТС маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Талабалар малакали шифокорлардан бедаво касаллик келтириб чиқарувчи иллатлар ва улардан сақланиш масалалари хусусида батафсил маълумот олдилар. Тadbир давомида тамаки чекишининг зарари ва ОИТС

оқибатлари ҳақидаги китобча ва буклетлар тарқатилди.

Шунингдек, 200 нафарга яқин талаба ўғил-қизлар жағмарманин «AMBULANCE» тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи олий тоифали шифокорлари тиббий-кўригидан ўтдилар. Уларга бепул дори-дармонлар берилди.

Савд ҲАСАНОВ.

ЯРМАРКА САМАРАЛИ ҲАҚИҚАТИ

Мамлакатимизда узумчиликни ривожлантириш, тоқзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш асосида ички ва ташқи бозорнинг узумдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Узвинсоноат-холдинг" компаниясида узумдан тайёрланган маҳсулотларнинг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қирқдан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси ва йигирмага яқин база ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Компания таркибидagi корхоналар 250 минг тонна узумни қабул қилиш ва қайта ишлаш қувватига эга. Соҳада илмийлик билан амалга оширилаётган ислохотлар бу қувватлардан самарали фойдаланиш имкониятини бермоқда. Агар 2005 йилда 55,2 минг тонна узум қайта ишланган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида бу рақам 140 минг тоннага эди.

Ярмаркада ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқараётган хилма-хил шарабатлар ва ичимликлар халқдорларга ташдиқ этилди. Қўлпаз шартномалар имзоланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

Қўшимча иш ўринлари

Ўртачирчиқдаги «Хунарманд» тикувчилик цехида маҳсулот тури ва иш ҳажмининг ортиси ҳисобига 10 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари очилди.

Ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш корхоналарининг буюртмасига асосан иш қўлқоплари ва қўйшаблар тиквирган цехимизда бугунга келиб зардушлик ҳам йўлга қўйилди, — дейди цех бошлиғи Юлдуз Қўзибоева. — Бундан ташқари, замонавий пардалар, кўрпа-тўшаклар, миллий андозаларга мос кўрок буюмлар тикиш бўйича ҳам буюртмалар олинапти.

Мунира РАЖАБОВЕВА.

Ўнғин хавфсизлиги ойлиги

Ёшлиқдан

ЎРГАТГАН МАЪҚУЛ

Маълумки, айти кунларда «Ўнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Ойлик доирасида барча жойларда белгиланган жадваллар асосида тадбирлар изчил ўтказилмоқда.

Бектемир тумани ўнғин хавфсизлиги бўлимида ходимлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, туманлари, аҳоли пунктларида ўнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида халқ таълими бўлими билан биргаликда мактаб ва болалар боғчаларида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, 293-ўрта мактаб ўқувчилари орасида кўнгилли ёш ўт ўчирувчилар гуруҳлари тузилиб, викторина ва мусобақалар ўтказилмоқда.

Ўқувчилардан «Ўнғин оқибати» мавзусида ишолар олинмоқда. Бундан ташқари уларга бирламчи ўнғин ўчириш воситаларидан қандай фойдаланиш кераклиги ўргатилмоқда, техник анжомлар билан таништирилмоқда.

Ўнғиннинг олдини олишга қаратилган рангли плакатлар ёрдамида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

Самигиддин МУХИДДИНОВ,
туман ИИБ ЁХБ катта инспектори.

Қишлоқ мулкдорлари



ЕТТИ МИЛЛИОН СЎМ СОФ ҲОЙДА

мер Ўктам Имомов тендерда 30 гектарлик конурни ютиб олган, ўз атофига собиқ ширкат даврида айнан шу ерларда тирикчилик ўтказган асл деҳқонларни бирлаштириб, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва фалла етиштирилади. Мустақил хўжаликда манфаат ва эътибор кўриб ишлаб бошлаган аъзолар биринчи йилнинг ўзидаяк хариккала муҳим тармоқда

ҳосилдорликни 5-7 центнерга оширишга муваффақ бўлдилар. Шу тариқа хўжалик иқтисоди яхшигина фойда кўра бошлади. Секин-аста бу маблаглар хўжалик техника негизини шакллантириш, тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаб бориш ва албатта, аъзоларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилди.

Айтайлик, яқунланган

мавсумда деҳқонлар пахта ҳосилдорлигини 30, фалла ҳосилдорлигини эса 52 центнердан оширди. Омборларга контрактиция шартномасида белгиланганидан анча ошириб ҳосил тўкиди. Табиийки, бу қўшимча даромад келтирди. — Давлатга 60 тонна пахта, 30 тонна бугдой сотдик, — дейди фермер Ўктам Имомов. — Бу фермер хўжалигимиз 7 миллион сўм соф фойда кўрди. Қўқлам-

да чигит экиладиган еримизни барвақт, сифатли шудгорлаб қўйдик. Ямғириш либос кийган бугдой зоримиз эртанги мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

Алишер РАҲМАТОВ.

СУРАТДА:

фермер Ўктам Имомов шудгор сифатидан мамнун. Даврон АХМАД олган сурат.

ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИ МУҲОҲАЗАДА

Тошкент Ирригация ва мелiorация институтида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий механизмлари бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари иштирок этди.

Ҳозир мамлакатимизда тўрт миллион юз юз минг гектар сугориладиган ер мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми ушбу майдонларда етиштирилади. Агар тармоқда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, сугориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш борасида сезиларли натижаларга эришилаётди.

Агар тармоқни янада ривожлантиришда сув хўжалигини ислоҳ қилиш ва тақомиллаштиришнинг самараси катта. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар тўғрисида маълумотлар километр узунликдаги магистраль канал ва хўжаликлараро ариқ ҳамда зовурдренаж тармоқлари тозаланди. Сув таъминоти ва тақсимоти тизимини бошқаруви яхшилаш учун тармоқлардаги 30 мингдан зиёд гидро-техник иншоот ва сув ўлчаш пости таъмирланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар жараёнида илм-фан янгиликларини амалга кенг жорий этиш, илмий лабораторияларда яратилаётган янги технологиялардан ишлаб чиқариш жабҳасида оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 29 октябрида қабул қилинган "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тўдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, агар тармоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини тўдан тақомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Икки кун давом этган анжуманда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолиятини, консалтинг хизматини ва замонавий ахборот тизимларидан фойдаланишнинг тақомиллаштириш борасидаги вазифалар, қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш механизмлари бағишланган мазрузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Ў.А.

ЖАМИАТИ

ҚИСКИЧБАҚА МИЯСИДА

Австралия олимлари майда қисқичбақалар бошидан атаксантин моддасини олишга муваффақ бўлди.

Маълумотларга кўра, айрим балиқ тўқималарида, қуш ва ўсимликларда мавжуд мазкур модда ёрдамида юрак ва қон-томир тизими фаолиятини яхшилаш, юракда ишемия, гипертония касаллиги, миокард инфаркти ва инсульт ҳафтини камайтириш мумкин.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, қисқичбақадан олинган атаксантин таъсири баъзи мева ва сабзавотларда аниқланган бошқа антиоксидантларга (таркибиди А, С, Е гуруҳидаги витаминлар, селен ва рух моддалари мавжуд моддалар) қараганда ўн марта, Е витаминидан эса, беш юз марта кучлидир.

ТАЙВАНЪ ТАЖРИБАСИ

Тайвань Иқтисодиёт вазирлиги 2012 йилга бориб, бутун оролда аънавий чироклардан фойдаланишга чек қўйилишини маълум қилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Уларнинг ўрнига энергияни тежайдиган диодли ёруғлик манбалари ўрнатилди.

Тайванд ёритиш учун йилга 26 миллиард киловатт/соат энергия сарфланади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, "янги авлод чироклари"дан фойдаланиш ушбу кўрсаткични қирқ фоизга камайтиради.

ҚИШ ЯҚИН, ЛЕКИН...

Кипрда кучли қурғоқчилик давом этмоқда. Бунинг сабаби ёғин жуда кам бўлиб, ҳарорат кескин кўтарилиб кетганидир.

Оролда чўққу сув муаммосини денгиз сувини шўрсизлантириш орқали ҳал этиш мумкин, аммо бу катта миқдорда энергия талаб қилади ва атмосферага чиқаётган зарарли газлар миқдорини оширади.

Оролда чўққу зоналарининг кенгайishi ҳам долзарб муаммога айланмоқда.

ҚИСКА САТРЛАРДА

2007 йилнинг охирига бориб, дунёда ОИТСга чалинганлар сони 33,2 миллионга етиши мумкин. БМТнинг ОИТС бўйича дастури (ЮНЕЙДС) маълумотларига кўра, жорий йилда тахминан икки ярим миллион киши ОИТС дардига чалинган.

Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода бир баррел нефть 94,64 АҚШ долларига сотилди. Бу кўрсаткич аввалги савдода қайд этилган нархдан 80 цент кўп. Мутахассисларнинг таъкидлашича, "қора олтин" баҳосининг ошishiга мамлакатда нефть маҳсулотларида талаб ортаётгани ва стратегик нефть захираси камаяётгани сабаб бўлмоқда.

Нью-Йорк хом ашё биржасида "қора олтин" нархи 2007 йилнинг 7 ноябрда рекорд кўрсаткичга — 98,62 долларга чиққан эди.

Ў.А.

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР



логия, урология, эндокринология, кардиология ва бошқа бир қатор кабинетлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Айниқса, эл саломатлигини муҳофаза қилишда, жойларда профилактика тадбирларини сифатли ўтказишда кўмак флюорографиянинг хизмати катта бўлаяпти.

Мақсадимиз шартнома асосида корхона ва ташкилотларга, ўқув юрларига, мактаб ҳамда маҳаллаларга бориб, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказишни кенг йўлга қўйиш, — дейди поликлиника бош шифокори Н. Мамамадов. — Бу борада режадаги ишлар амалга оширилаяпти.

берадиган ташкилий тузилма ривожланишга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти юксалапти.

Бош шифокорнинг эътирофи эътишима, йил охиригача бу ерда физиотерапия бўлими ишга туширилиши ҳамда саккизта янги иш ўрни барпо этилиши кўзда тутилган.

Поликлиникамизда ўз касбининг фидойилари бўлган малакали мутахассислар меҳнат қилишади, — дейди врач-терапевт Елена Кан. — Раҳбарият томонидан ходимларнинг рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш доирасида ибратли ишлар қилинмоқда. Зеро, саноат шаҳри Олмаликда аҳоли кўп. Биз кўрсатаётган тиббий хизмат қўламини ва сифати ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

Эрталаб поликлиника ҳовлисида чиққан «Флюорография» машинаси шаҳар кўчаси бўйлаб навбатдаги манзил — Суфи Оллоёр маҳалласига йўл олди. Ташрифимиз якунида бош шифокор саноат зонавий усуналар билан жиҳозланган флюорография кўма хизмат машинаси вилотимизнинг бошқа шаҳар ва туманларига ҳам буюртма асосида хизмат кўрсатиш имконига эга эканинига ва мурожаат учун 8-370-61-52-559, 68-887 телефонларига қўнғирок қилиш мумкинлигини таъкидлади.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

поликлиниканинг умумий кўриниши; «Флюорография» кўма тиббий қўриқ машинаси хизматда.

Муаллиф олган суратлар.

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А ўйда жойлашган "РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ" ЁАЖ

бошланч баҳоси бошқича-бошқича олиб бориш тартибидан ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этилди:

1. Тошкент вилояти суд департаменти томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/10423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ДРСУ корхонаси ҳудудидан сакланаётган, "КАМА-5551" русумли, давлат рақами 11 АС 531 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соат автотранспорт воситаси.
Бошлангич баҳоси — 7 091 000 сўм.
Аукцион савдоси 2007 йилнинг 28 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
2. Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 2 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани "Тошкент борака тайёрлов таъминот" УҚДА сакланаётган, "Газ-51Д" русумли, давлат рақами 11 О 6350 бўлган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.
Бошлангич баҳоси — 500 000 сўм.
Такрорий аукцион савдоси 2007 йилнинг 18 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситаларини билан суд ижросини иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тулов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекбанк"нинг С. Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Шунингдек, қўйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

3. Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 10 ноябрдаги 92-сон ва "Ташкентская правда" газетасининг 2007 йил 17 ноябрдаги 94-сонида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган "ВАЗ-21063" русумли, давлат рақами 12 Е 5779 бўлган ва "ВАЗ-21013" русумли, давлат рақами 12 Е 3996 бўлган автотранспорт воситалари савдодан олинди.

Савдодан олишга асос: Тошкент тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 9 ноябрдаги с/и-6-сонли хати.

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгадир.

Банкрот-корхона ОТАЖ

"А. Иброҳимов номли Тошкент чини заводи"нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (туғатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳри 1-сонли Яқкасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М. Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ "Халқбанки"нинг Яқкасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш. Абдуллаев кўчаси, 2-а уй) очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилади.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар — 100207, Тошкент шаҳри, "Галабинанг 40 йиллиги мавзеси", 2-даҳа, 29-ўйда Тошкент шаҳри Давлат архиви томонидан берилади.

Заводнинг собиқ ходимлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ "Халқбанки"нинг Собир Раҳимов филиали томонидан бериладиган.

Общество с ограниченной ответственностью "ERSA TRANS" (ООО "ERSA TRANS"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенного по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Бухара, 26. ИНН 206819797, код по ОКПО 21525681, ликвидирован, в соответствии с решением учредителей № 5 от 22.11.2007 г.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования указанного объявления.

